

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

БАХТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

- Кўпинча кишилар мендан: "Узоқ умр кўриш сири нимада деб сўрашади", - дейди пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи 94 ёшли отахон Ҳамидулла Маҳмудов. - Мен эса "оддийликда", деб жавоб бераман. Умр бўйи меҳнатга ҳавас қилиб яшадим. Одамларга қўлимдан келганча яхшилиқ қилдим. Оилали бўлиб, фарзандлар вояга етказдим. Уларни - меҳнатга ўргатдим. Аллоҳга шукр...

Нафақа ёшигача бир жойда — Ўзбекистон Темир йўллари транспорти корхонасида сидқидилдан меҳнат қилган Ҳамидулла аканинг оиласини маҳаллада ҳамма ҳурмат билан тилга олишадди.

- Биз оилада уч нафар фарзандимиз, - дейди Ҳамидулла бобонинг тўнғичи - ТДТД маркетинг бўлими бошлиғи, кимё фанлари номзоди Асатилла Маҳмудов. - Пада-ри бузрукворим бизларнинг барчамизни оддийликка, ҳавас билан меҳнат қилишга ўргатдилар. "Ҳавас билан меҳнат қилган кишига машаққатлар ҳеч гапмас", - дердилар адаллар.

- Сизнинг шу даражага етишувингизга ким сабаб бўлган? - сўраймиз Асатилла акадан.

- Бунинг учун аввало ота-онам, қолаверса амаким Иноят Маҳмудовдан умрбод миннатдорман, - дейди Асатилла ака тўлқинланиб. - Уларнинг ўғитларини олиб кам бўлмадик: бугунги кунда оиладаги фарзандлар ҳаётда ўрнини топган, Сайёраҳон шиёфокор, Фатхулло эса донгдор ишчи.

- Келин бўлиб тушганимда, - дея суҳбатимизга қўшилади Манзура ая Маҳмудова, - уй-рўзгор ишларига қўлим келишмасди. Қайнонам Ҳожиниса ая ва қайнона бувимлар менга барча уй юмушларини оғринмасдан ўргатдилар. «Оила юритиш ҳам буюк бир санъат», - дердилар ойижоним. Етти фарзанд ичида ўсган энг эрка фарзанд эдим. Иккала қайнонамдан олган сабоқларим бугунги кунда - ўзим қайнона бўлганимда асқотаяпти.

- Оила юритиш буюк санъат дегингиз, демак аёл киши мана шу санъатнинг муаллифи экан-да...



- Албатта. Буни мен ўз ҳаётимда кўриб ишонч ҳосил қилдим. Энг аввало мен улардан оила юритиш сирларини ўргандим. Қайнонам раҳматли нихоятда ҳалим аёл эдилар. Мулойимлик, камтарлик, саранжом-саристалик у кишига хос фазилат эди. Тонг бўзармай туриб иш қилганининг ризқини Аллоҳ улуғ қилади, дердилар. Бир кам дунё экан, қайнонам адажоним билан 30 йилдан ортиқ аҳил турмуш қуриб, оламдан ўтдилар. Улардан кейин қолган қайнона ойимлар менга она ўрнида бўлдилар. Улар 103 ёшда оламдан ўтишди. Қайнотам Худога шукр ҳаётлар. Аллоҳ уларнинг умрларини зиёда қилсин. Ўғил-қизларимга бош бўлиб юрсинлар.

- Халқимизда: "Юлдузи-юлдузига тўғри келсин", деган гап бор. Юлдуз билан инсонни бир-бирига боғловчи халқаларни сиз

қандай талқин қиласиз?

- Ҳар бир оилада эр-хотиннинг ўзаро муносабати - халқимизда муросаи мадора дейилади. Юқорида айтганимдек, оила четдан қараганда бахтли кўрингани билан унинг ўзи-га яраша муаммолари бўлади. Уни оқилона ҳал этиш учун доно бўлиш керак. Эркаларни оила бошлиғи деб улуғлаймиз. Аёллар эса эркаларнинг яхши-ёмон куниди суяб турувчи оила устунларидир.

- Турмуш қурганингизга 31 йил бўлибди. Бугун эса қайнона, 2 неваранинг суюкли бувижонисиз. Айтинг-чи, оиланинг устуни бўлиш оғир кечмадими...

- Оиласига меҳр қўйиб, баркамол фарзандлар ўстиришни орзу қилган ҳар бир она - аёл учун бу жуда катта шараф деб ўйлайман. Бу борада менга икки қайнонам, меҳрибон қайнотамнинг ёрдамлари алоҳида.

Уларнинг қўмағида 192-мактабда 30 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлаб келаяпман.

Ҳар бир оила бир бўстондир. Бугунги кунда Асатилла ака Маҳмудов хонадонидида уч нафар фарзанд камол топмоқда. Омонулла - 2-Тиббиёт олийгоҳининг аспиранти, Нурулла ҳам шу даргоҳни битирган. Махтума эса Техника дорилфунунида талаба. Шу хонадоннинг келини Адихон эса муаллима.

Суҳбатимиз сўнггида Ҳамидулла ота дуога қўл очдилар: "Илоийм, юртимиз хонадонларидан кут-баракка аримасин. Фарзандларимиз омон бўлиб, давлатимиз бундан-да юксалсин.

Биз ҳам отахонга юз ёш билан юзлашишларини тилаб хайрлашдик.

Фарида ТОХИРОВА
Сурат муаллифи:
Одил НУРМАМАТОВ

МАМЛАКАТНИНГ БУГУН ВА ЭРТАСИ УЧУН

11-12 май кунлари Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тасдиқланди. "Мудофаа тўғрисида", "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида", "Аҳолини сил касалидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар ва депутатлар ҳукмига ҳавола қилинган бошқа юридик ҳужжатлар қабул қилинди.

Анъанага кўра сессия танаффусида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов журналистлар билан учрашув ўтказиб, уларни қизиқтирган кўпга саволларга жавоб берди.

Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ва 2001 йилнинг биринчи чорагидаги ижросини сессиясида кўриб чиқишда Ислон Каримов бир қатор танқидий мулоҳазаларни билдирди, ва албатта, журналистлар унинг ҳаражат қисмига, хусусан мудофаага, ҳарбий тузилмалар фаолиятига қанча маблағ йўналтирилаётгани билан қизиқдилар.

- Бизнинг бюджетимиз очик, мудофаа мақсадлари ва ҳарбий тузилмаларни сақлаб туришга бюджет даромад қисмининг бир неча фоизини йўналтираямиз, - деб маълум қилди Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов. - Ўтган йилда ва шу йилнинг биринчи чорагида ушбу мақсадларга сарф-харажатлар ўсди. Давлат раҳбарининг фикрича, бу қонуний ҳол бўлиб, айнан ҳозирги пайтда қуролли кучларда, уларни жиҳозлашда туб ислохотлар ўтказилапти.

Шу билан бирга армиямизда қисқартириш кетаяпти, деб қайт этди Ислон Каримов. Аммо чегараларимизни ишончли ҳимоялаш ва одамларнинг тинчлик-осойишталиги бу сарф-харажатларга арзийди, деди Ислон Каримов. - Шу билан бирга мураккаб тоғ шароитларида чегараларни ҳимоя қилишга лаёқатли ихчам армияни барпо этаямиз. Айнан шундай ўтиш қийин бўлган дара ва доводлар нарқойўлак бўлиб хизмат қиляпти. Бу сир эмас. Сурхондарёга ўтган йилги суқилиб кириш ҳам шундай йўлакни очишга уриниш эди. Афғонистонда бугунги кунда жаҳондаги нашининг етмиш фоизи етиштирилаётган ва наркотикторатчилар бу йўлак барқарор ишлаши учун маблағни аямаяпти. Яна бир марта ай-

таман, радикал диний экстремизм, ҳизбут-тахрир, ваҳобийлик, жиҳод ва бошқаларнинг барчаси ниқоб. Аслида булар асосида наркотиклар ётибди. Жуда аниқ, жуда оддий мақсад кўзланган.

- Ион оий ўрталарида Шанхай бешлигига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди, - деб маълум қилди Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов "Туркистон-пресс" мухбирининг саволига жавоб бериб. - Яқинда Москвада бўлиб ўтган ушбу беш давлат таққи ишлар вазирликлари раҳбарларининг мажлисида Ўзбекистоннинг бу ташкилотга кириши бир овоздан маъқулланди. Уни Шанхай ҳамкорлик уюшмаси деб аташга олдиндан келишиб олинди. Ўзбекистон янги ташкилотнинг муассисларидан бўлади. Ташкилотнинг вазифалари анча кенгайди. Бу нафақат чегараларда вазиятни барқарорлаштириш, бу энг аввало нотинч Марказий Осиё минтақасида ҳавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий масалалардир. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик уюшмасига кираркан ўз олдига бир неча мақсадларни қўяди. Биринчидан, 50 миллионга яқин аҳоли яшайдиган (унинг ярмисини Ўзбекистон аҳолиси ташкил этади) минтақа ҳавфсизлигини таъминлашдир. Бундан ташқари, Ўзбекистон коммуникация ва жүрғуфий-сиёсий жиҳатдан Марказий Осиёда муҳим ўрин тутди. Бу катта аҳамиятга эга. Шу боис агар бу масалаларга Шанхай бешлигини ташкил этган давлатлар нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, улар биринчи навбатда асосий мақсади тинчликни таъминлаш бўлган Ўзбекистоннинг бу ташкилот таркибига киришидан манфаатдордир. Ишонаманки, халқимиз мени қўллаб-қувватлайди. Президент сифатида менинг бош вазифам, миллати, дини, этникодидан қатъи назар ҳар бир инсон Ўзбекистонда ўзини ўз уйидагидек ҳис этишини таъминлашдир. У ўз келажаги ва ўз фарзандлари келажагига ишонсин. Менга ишонингизлар, бундан муқаддасроқ, бундан буюроққ вазифа бўлиши мумкин эмас. Одамларда тўла-тўқис хотиржамлик бўлиши, улар тинч-осойишта яшашига қафолат бўлиши учун нимаки зарур бўлса бажарамиз. Ўзимнинг Ватаним деб ҳисоблаган барчани боқишга қодир бу муқаддас заминда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш зарур бўлса, биз ҳеч нарсаи аямаймиз, - деди Ислон Каримов.

"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"

15 май - Халқаро оила куни

Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла — юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

И. КАРИМОВ

15 май Халқаро Оила куни экан, шу ўринда қисқача тарихий маълумотга мурожаат қилсак. Оила борасидаги биринчи мақсадли тадқиқотлар 1889 йилда бошланган. Орадан роппа-роса юз йил ўтгач, унинг охириги 10 йили "Халқаро аёллар ҳаракатининг 10 йиллиги" деб эълон қилинди. БМТнинг Бош Ассамблеяси 1994 йилдан бошлаб, ҳар йили 15 май кунини Халқаро Оила куни сифатида нишонлашга қарор қилди.

Нима учун БМТдай нуфузли ташкилот бу масалага қайта-қайта мурожа-

берилаётган алоҳида эътиборнинг яққол кўринишидир. Нисбатан қисқа фурсат ичида Марказ олимлари 6000 дан зиёд фуқаролар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг оилавий муаммоларини ўрганиб, зарур ҳулосалар, таклифлар ишлаб чиқдилар, халқимиз қўлига, баҳоли қудрат, ўқимишли адабиётларни етказиш борасида ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Марказ томонидан ўтказилаётган тадқиқот ёки амалий учрашувлар бу борадаги ишлар кўлами яна ҳам кен-

ОИЛА СОҒЛОМ ВА МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

ат қилади. Гап шундаки, оила ва унинг мустаҳкамлиги масаласи бу ташкилот сиёсатининг ажралмас бўлагига айлантирилган ва кўзланган мақсад - оилага алоқдор масалаларнинг моҳиятини тушунтириш ва турли мамлакатларнинг иқтисодий, маънавий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда оиланинг муаммоларини ечишга илгор, тараққийпарвар жамоатчиликнинг, давлат ва нодавлат ташкилотлар, олимлар, зиёлилар диққатини қаратишдир.

Халқаро Оила кунининг таъсис этилиши, инсон ҳуқуқларини, оила манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи 1993 йилдан буён Венада, Қоҳирада, Копенгагенда ва Пекинда ҳамда қатор бошқа Халқаро анжуманлар кун тартибига атайлаб киритилишида ҳам маъно бор. Зеро, белгиланаётган ва амалга оширилаётган хайрли ишларнинг барчасида оила ва унинг мустаҳкамлиги муаммоси умуминсоний вазифа эканлиги эътироф этилади.

Шуни алоҳида ифтихор ва гурур билан эътироф этишимиз лозимки, мустақил Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган ишлар, ҳукуматимизнинг мақсадли сиёсати, қатор йилларга берилаётган мақомлар яхлит жамиятимиз маънавиятини барқарорлаштириш, оилаларни мустаҳкамлаш, никоҳнинг азаллий ноёб қадрият сифатида фуқаролар онига сингишида ижобий рол ўйнамоқда. Республика "Оила" илмий-амалий Марказининг ташкил этилганлиги ва унда амалга оширилаётган комплекс илмий тадқиқотлар натижаларининг ҳаётга ҳорий этилаётганлиги мамлакатимизда оилага, она ва фарзандлар камолига

глиги, ишнинг самараси нафақат олимлар гуруҳининг ташаббускорлиги, балки улар билан бир сафда маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, фуқароларнинг жонбозлик кўрсатишлари ва фаолликлариға боғлиқлигини исботламоқда. Демак, оиланинг мустаҳкамлиги ҳар бир онгли фуқароға боғлиқ бўлган ўзига хос масъулиятдир. Буни шундан ҳам кўрсак бўладики, агар маҳаллада битта оиланинг тинчлиги бузилса, ён-атрофдагиларнинг, қариндош-урулларнинг ҳам тинчлиги бузилади. Нотинч маҳалла ўша туман ёки шаҳар микёсида ўзига хос муаммоларни туғдиради. Битта оиладан қонунбузар, ноқобил фарзанд чиқса, у маҳалладаги, мактабидидаги қанча болаларни йўлдан уриб, уларнинг ҳам ота-онасига ташвиш келтириши мумкин. Ёки, яхши бир тadbirkor оиланинг маҳаллада борлиги, у ердаги фарзандларнинг қобил ва меҳнатсеварлик руҳида тарбияланганлиги шу атрофдагиларга қанча наф келтиради.

Демак, юртимизнинг озод ва обод бўлиши, тинчлиги, турмуш фаровонлиги оилаларимиз мустаҳкамлигига, тўқлигига боғлиқ экан, бугун ҳар биримиз ўз оиламиз ва никоҳимиз камолига масъул бўлишимиз, ёшларни айнан оилапарварлик руҳида тарбиялаб, келажакка ишончлари ва ҳаётга меҳрларини оширишимиз зарур.

В. КАРИМОВА,
Республика "Оила"
илмий-амалий Маркази
директори, профессор

4. СИРНИ САҚЛАЙ БИЛИНГ

Тadbirkor бозор муносабатларининг махсули. Шу туфайли унинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам бозор билан. Тadbirkorлик ўзи билан бирга рақобат деган тушунчани ҳам юзага келтирди. Рақобат бор жойда яна бир унсур - тadbirkorлик сирни пайдо бўлди.

Тadbirkorлик сирига қуйидагилар кириди:

- саноат сирин;
- илмий-техника сирин;
- тижорат сирин;
- ахборот сирин;
- молия-кредит сирин;
- бошқариш сирин.

Саноат сирига технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш усули, юқори сифатга эришиш

йўли кабилар кириди.

Илмий-техника сирин ҳам тadbirkor учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда бирорта тadbirkor йўқки фаолиятида фан ва техника ютуқларидан фойдаланмаса, баҳраманд бўлмаса. Буларга "нау-хау", яратувчилик (изобретения), қулай таклифлар (рационализаторская предложение), ихтиролар каби фан ютуқлари кириди. Буларни албатта ҳар бир тadbirkor сир тутмоғи лозим.

Тижорат сирин ҳам тadbirkorликда муҳим аҳамият касб этади. Тadbirkorнинг тижорат сирига қимдан хом ашё ва материалларни қанча пулга сотиб олганлиги, қимга тайёр

махсулотини неча пулга сотганлиги, фойда олиши, таннархи ва баҳони белгилаши кабилар кириди. Бу сирларни ҳам ошқор қилиб бўлмайди. Рақобатда бу сир ошқор бўлса бошқа тadbirkor ютиб чиқishi мумкин.

Ҳозир бозор тизимида ахборот тизими ҳам ривож топмоқда. Тadbirkor муваффақиятга эришиши учун унда етарли даражада ахборот бўлмоғи лозим. Бозор муносабатлари шароитида ахборотлар жуда қиммат туради. Шу туфайли уни арзонга ёки бежудга ошқор қилиб, тadbirkor рақобатда ютқазиб қўямаслиги лозим. Шу туфайли ахборот сирин ҳам бозор муносабатлари

шароитида қаттиқ сир ҳисобланади. Шунинг учун у сотилади. Ўзбекистонда ҳам ахборотлар бозори шаклланоқда. Келажақда бу бозор ҳам жуда "ғажум" бозорлардан бири бўлади.

Тadbirkorнинг молия-кредит сирин ҳам бозор муносабатлари шароитида муҳим аҳамият касб этади. Бунга бухгалтерия, молия ва статистик ҳисоботлар, ҳужжатлар, тadbirkorнинг ёзишмалари кабилар кириди. Бу сирни солиқ, молия органлари, банк муассасалари ва аудиторлар библиши мумкин. Аммо уларнинг ҳам амалдаги қонунларга асосан тadbirkorнинг сирини ошқор қилишга ҳаққи йўқ. Бу эса тadbirkorда бошқариш сирин ҳам мавжудлигини таъкид қилади.

Тadbirkorлик мактаби

Тadbirkor ўз фаолиятини турли усуллар билан бошқариб боради. Айримлари жуда самарали бошқарув усуллари ишлаб чиққан ва фойдаланаётган бўлиши мумкин. Шу туфайли бу усулни ҳам ҳар бир тadbirkor ўзида сир тутати ва ошқор қилмайди.

Тadbirkorнинг ютуқларидан бири ўзининг турли соҳалардаги сирини ошқор қилмаслик. Бу бахилик эмас, балки бозор шароитида ўзини, ўз мулкни асраш, фаолиятининг давомийлиги қафолатини таъминлашдан иборатдир.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд кооператив
институтини доценти



- Ибратли оила, намунали оила деган ибораларни тез-тез ишлатадиган бўлиб қолдик. Ана шундай даражага эришиш учун қандай йўл тутмоқ лозим?

ЮРТТИМ УЧУН ЖОНИМ ФИДО

Тапиқли шарқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, профессор, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Исматулла АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат.

- Намунали, ибратли оила бўлиш учун энг аввал оила бошлигининг ўзи ва оиладаги иккинчи шахс - она ибратли бўлиши керак. Оила бошлиқлари иймонли, эътиқодли, яхши тарбия олган, маърифатли, дунёга ҳирс қўймаган, саховатли, камтар, қариндош-уруғ, қўни-қўшиларга мурувватли бўлиши керак.

Қадимдан халқимизда: "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол бор. Ота-онада тарбия бўлмаса, у болага тарбия бера олмайди. Пайғамбаримиздан: "Қайси фарзанд ўтиб кетган ота-онасининг яхши ишларини давом эттирса, савобининг ярми отага ҳам тегади. Агар унинг ёмон ишларини давом эттирса, гуноҳининг ярми ота-онага тегади", деган ҳадис қолган. Оилада тарбия бўлиши учун эр-хотин ўзаро меҳрибон, бир-бирини ҳурмат қиладиган, бир-бирига ёлгон сўзламайдиган бўлиши керак.

Умуман, оилага ёлгон гап кирмаслиги, ичкили аралашмаслиги керак. Оила бошлиғи ҳалол-ҳаромни фарқ қилиши керак. Оиладаги ҳар бир тadbир исрофгарчиликка йўл қўйилмай амалга оширилиши тизим маъқул деб биламан.

- Инсон ҳаётга бир марта келади. Шу қисқа умрни сермазмун ўтказишнинг сирини нимада? 76 ёшингизда ҳам сергайрат, ҳаракатчансиз. Бунга қандай қилиб эришгансиз?

- Бу ҳақда пайғамбаримиз шундай деганлар: "Кишининг жони ўзилиши билан ҳамма ишлар тўхтади, аммо учта нарсаси қолди: солиҳ фарзандлар, бошқалар фойдаланиб турадиган илм ва жория (тўхтамайди) садақалар. Шунинг учун ҳам дунёда шундай яшайликни кетаётган пайтда "Дунёда яхши ишлар қилдим, халққа фойдам теги, фарзандларим - давомчиларимдир", дея хурсанд бўлиб кетайлик.

Шундай яшайликни вафотимиздан сўнг ортимизда қолган

хешу ақраболар астойдил куюниб йиғласинлар.

Ҳар кунга мўлжалланган режам бор. Оқшом ўз-ўзимни сарҳисоб қиламан. Режам тўлиқ амалга ошмаган кун уйкум келмайди, ҳаловатимни йўқотаман. Ниятим - озми-кўпми ўзимдаги бор илмни халқимга беришга ҳаракат қиламан. Китобларим, мақолаларим чиққан куни ҳаддан зиёд қувонаман, ўзимни ёш, дадил ҳис эта бошлайман. Пайғамбаримизнинг "Илмни бешикдан қабргача ўрган" деган ҳадиси ширфларига риоя қилган ҳолда илм йўлида жон беришни ўзимга мақсад қилиб қўйганман.

Замондошим — қаҳрамоним

тоб. Чунки китоб - илм, маънавият ва маърифат манбаи, беминнат, беғараз муаллим, устод ва мураббий, қайғудош, танҳоликда - дўст, суҳбатдош, сафарга чиққанида ҳамроҳ, уйингизнинг зебу-зийнати, келгуси авлодингизга сиздан мерос.

Энг ёмон кўрган нарсам - манманлик. Чунки манманлик илм офати. Манман олимда илмдан асар ҳам қолмайди, эл назаридан қолади. Яна ёмон кўрган нарсам - ичкилик, порахўрлик ва ёлгончиликдир. Бу каби қабиҳ, сал-

- Доим икки нарсаси бир жойда турмайди: илм ва бойлик. Сиз нега илмни танладингиз ва нега айнан манбашунос бўлдингиз?

- Бу саволингиз учун раҳмат. Ёшлигимдан илмга қизиққанман. Еттинчи синфда ўқиб юганимда Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" асарини такрор-такрор ўқир эдим. Бувам, дадамлар менга қўлаб эскича китобларни ўқитишарди. Шу ваҳдан болалигимдаёқ мумтоз адабиётни ўрганиш ҳаваси туғилди. 1943-44 йилларда мактабда ўқитувчилик қилардим. Тарикчилик учун ҳар кеча ўн метр бўз тўқирдим ва Қуръони Каримдан бир бет ёдлардим. Шу тариқа бир йилда ул пора Қуръонни ёдладим. Араб алифбосидаги мумтоз адабиётни ўқийдиган бўлдим. Машираб, Сўфи Оллоёр, Қул Хожа Аҳмад асарларини завқ билан ўқиб чиқдим. Мумтоз тилга ва мумтоз адабиётга бўлган қизиқишим туфайли 1946 йили Шарқ факультетида ўқишга кирдим. Ўз даврининг фозил мутафаккири бўлган Содик Мирзаев, эронлик муҳожир шоир Аҳмад Табатабойлардан араб ва форс тили адабиётини ўргандим. Кейимларимиз юлпун, овқатларимиз камтарона бўлса ҳам илм олишдан кўнглимиз совумасди. 1959 йили Ленинград аспирантурасига кириб дунё манбашунослиги билан танишдим ва ҳаётимни шу илмга бахшида этдим. Ўнча йирик манбаи араб тилидан таржима қилиб, эски ўзбек ёзувидан ҳозирги имлога ўғириб, нашр эттирдим.

Асосан Марказий Осиёдаги Х-ХI асрларда ижод этилган араб тилидаги бадиий адабиёт ва шеърятни дунё манбашунослигида бир ишчи бўлиб ўргандим. Шу адабиётга бағишланган ягона асар Абу Мансур ас-Солибийнинг "Иътибат Ад-Дахр" тазкирасини ўзбек тилига изоҳ кўрсаткичлари билан нашрдан чиқардим.

- Энг яхши кўрган ва энг ёмон кўрган нарсаларингиз нима?

- Энг яхши кўрган нарсам - ки-

бий иллатлар яшашга ҳалақит беради. Кишини бебурдликка олиб боради.

- Президентимиз ёшлар ҳақида ғамхўрлик билан қайғуриб: "Фарзандларимиз биздан-да кўра қучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", - деган эдилар. Шу муносабат билан бугунги ёшларнинг етакчилари қандай ҳислатга эга бўлишлари кераклиги ҳақида муҳлис-ларимизга сўзлаб беринг.

- Президентимиз мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ таълим ва тарбия масаласига, айниқса ёшлар тарбиясига жуда катта эътибор бериб келмоқдалар. Бу ҳақда бир қанча фармонлар қабул қилинди. Хорижий давлатларга ёшлар ўқишга юборилапти. Лекин тарбия ишларимиз ҳали қониқарли даражада эмас. Бунинг учун юқорида айтиб ўтганимиздек тарбияни оилада, мактаб ва олий ўқув юртларида юқори поғонага кўтариш керак. Ёшларимизга ўзимизнинг буюк аждодларимиз, алломаларимиз ва шоир-адибларимизнинг ҳаёт йўлини ҳар томонлама ўргатиш, уларнинг жаҳон илм-фан хазинасига қўшган буюк ҳиссаларидан, асарларидан ва ҳикматларидан бўлғуси авлодни хабардор қилиш керак. Уларда ўз она юрти, Ватани, халқига нисбатан меҳр-муҳаббатни кучайтириш керак. Токи ҳар бир ёш кимнинг авлоди эканлигини, қаерда яшаётганлигини англаб, фахрлансин.

- Домла, бу йил мустақиллигимизнинг ўн йиллигини нишонлаймиз. Айтинг-чи, мустақиллик Сизга нима берди?

- Мустақиллик менга эркин ижодни, динимни, иймоним ва эътиқодимни, бўлбўл тилидан ҳам ширинроқ она-тилимни берди. Бу саволингизни "мен юрт мустақиллиғи учун нима бердим?" саволи билан алмаштириш бўлардим. Умримни охиригача ушбу саволга муносиб жавоб топиш учун вақтимни, жонимни сарф этаман. Бутун борлигим юртим учун фидоидор.

- Суҳбатингиз учун раҳмат. Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ

ОИЛАНИНГ СУЯНГАН ТОҒИ

Оилада оила бошлиғи, фарзандлар таянчи ва раҳнамо-си бўлган отанинг алоҳида ўрни бор. Халқимизда "Ота рози - Худо рози", "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи", "Оталикнинг унуми бор", "Отали уйнинг зари бор" каби мақол ва ҳикматли сўзлар бор.

Ота ва болаларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида сўз кетганда, мен ҳаммиса ҳамюртимиз Бобурни эслайман. Маълумки, Бобурдан еттига фарзанд қолган. Фарзандларнинг тўрттаси ўғил, учтаси қиз бўлган. Улар Мухаммад Хумоюн, Комрон Мирзо, Мирзо Аскарйи, Мирзо Хиндол, Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим ва Гулбаданбегимлар эди.

Бобур отаси Умаршайх Мирзонинг сифатларини баён қилар экан, ундаги қатор камчиликларни рўйирифт кўрсатиб ўтса-да, отага бўлган эҳтиромни "... покиза эътиқодли, саховатли, хушхул, ширинзабон, мардона, хушсуҳбат киши эди" каби таърифлашда ҳам кўриниб туради.

У Хусайн Бойқаро билан ўғиллари орасидаги ноахилликни қоралар экан, ўз ўғилларига чуқур меҳр-муҳаббатда бўлади. Бу меҳр-муҳаббат Бобурга фарзандларига нисбатан талабчан бўлишга ҳалақит бермайди. Фарзандларининг хатти-ҳаракатларини зийраклик билан кузатиб боради, зарур пайтларда уларга ўғит ва дашномлар беради. Масалан, "Бобурнома"да Хумоюнни шахсий эҳтиёжлари учун давлат хазинасидан сарф қилмасликка чақириб, на-сиҳатлар қилиши диққатга сазовордир. Қизи Гулбаданбегимдаги истеъдодни туюб гоёт қувонган Бобур буни ҳар тарафлама рағбатлантиришга интилади. Кенжа ўғли Мирзо Хиндолни жонидан ортиқ севади. Табиийки, Бобурнинг бутун умиди тўғич ўғли Мухаммад Хумоюндан эди. Иситма хуруж қилиб, Хумоюн қаттиқ бетоб бўлганда "Мен анинг фидоси" дея ўзини "тасаддуқ" қилади.



"Уч қатла бошидан ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ушал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди", - деб ёзган Бобур тахт ва салтанатни ҳам ўғлига топширганлигини баён қилади.

Оталик меҳрининг, фарзанд учун қилинадиган фидойиликнинг бундан ортиқ ифодасини топиш мушкул. Гулбаданбегим отасидан нозик дид, ўткир ақли, бадиий ижод истеъдодини мерос қилиб олди. Отасининг вафотидан сўнг "Бобурнома"ни давом эттириб, "Хумоюннома" асарини ёзди.

Донишманд ва меҳр-мурувватли ота бўлган Заҳириддин Мухаммад Бобурни фарзандлари бутун ҳаётлари давомида эъзоз билан тилга олдилар. Унинг ёди ва ижодийтини бошларига кўтардилар. Бу улғу зот бизнинг тасаввуримизда фарзандлар, набира ва чеваралари учун чинакам қўблагоч бўлган ота сифатида абадий яшайди. Фарзанд ва ота ўртасидаги боғлиқлик, отанинг фарзандига муносабати, яқинлиги аллаларда алоҳида таъкидланади.

Тол ёғочдан бешиги, алла,
Талпинас олар дадаси, алла.
Қайрағочдан бешиги, алла,
Қийқирса олар дадаси, алла.

Ота - оиланинг суянган тоғи. Унинг ўз оиласи учун туну кун тинмай меҳнат қилиши, тоғганини тишида тишлаб уйга ташигани ҳаммага аён.

Кекса боболаримиздан бири "Эркак киши кечки пайт уйга келаётганда болаларига бир нима кўтариб келиши керак, токи уни зориқиб кутаётган фарзандларининг қувончи у келган пайтда икки баробар бўлсин. Бир баробари отанинг келганига, иккинчи баробари унинг нимадир олиб келганига. Агар ҳеч нарсаси олиб келолмаса, телпагини қўйнига тикиб, дўмпайтириб кирсинкин отанинг куруқ қўл билан қайтганини болалар ҳис қилсинлар", дер эдилар. Ота-боболаримизнинг белбоғ билан боғланган тўн қўйнида болаларига бир нарсаси олиб келиш одати аллаларда ҳам ўзига хос муболага ва лутф билан тараннум этилади:

Ҳозир даданг келади, алла,
Ойни олиб келади, алла.
Дўмбоқларимга дебо, алла,
Қўйнига солиб келади, алла.

Оиланинг зарбадист устуни ота, мунис фидойиси она, келажаги ва давомчиси бўлган фарзандлар иймон-эътиқодли, виждонли, меҳру мурувватли бўлсалар бу юрт абадий фаровонлик ва бахтиёрлик ўлкасига айланади.

Мунаввара ЁҚУББЕКОВА

Саҳнада дилларимизни хушнуд этувчи куй таралмоқда. Шу куй оғушида таниқли эстрада гуруҳи ижрочилари хониш қилишади:

**Тарихингдир минг асрлар,
ичра пинҳон ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру,
оқсоч Тияншон ўзбегим.**

Ҳақиқатдан ажойиб куй, маъноли матн, ширали овоз соҳибаси бўлган бу хонандалар санъатига офаринлар айтмасдан иложимиз йўқ. Лекин фақат шу билангина миллий эстра-дамизни ривожлантиришга ҳисса қўшиб бўлармикан? Мен айтмоқчи бўлганим миллийлик нишонаси бўлмиш либосимиз, яъни саҳна маликаларининг саҳна либослари ҳақида. Агар Оврупа либосларини кийиб миллийлик руҳида қўшиқ қуйланса, бунинг оқибати ёлғиз ош еб устидан ширин чой ичган билан баробар. Натижа эса ҳамма-мизга аён.

Санъаткор аслида халқнинг кўзгудаги акси бўлиши лозим, негаки у чет элларда концерт қўйган вақтида бутун бир миллатнинг кимлигини кўрсата билиши, унинг ортида миллион-миллион қора кўзлар шаъни, қадри турганлигини ўз қалбиди ҳис этмоғи керак бўлади. Бунинг учун эса аввало санъаткорнинг ички ва ташқи дунёси ҳам гўзал, баркамол ва миллий ғояларга ошувта бўлмоғи лозим. Шундай экан, ёш хонандаларимиз саҳнага чиқишдан олдин бир бор либосларига эътибор берсалар, яъни улуг санъаткорларимиздан ўрнак олсалар ёмон

бўлмас эди. Ана шунда уларнинг танқидчилари бирмунча камайган, мухлислари эса бир нечтага ортган бўлар эди. Энг ачинарлиси шундаки, бугунги кўпгина хонанда опа-хонларимизнинг ойнаи жаҳон орқали бериб борилаётган қўшиқлари клипига назар ташласангиз ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Ахир томошабинлар уларнинг Ватан ҳақида қуйиб-пишиб айтаётган қўшиқларига қулоқ солсинларми ёки бўлмаса оппоққина билаларига қарасинларми? Шу ўринда мавзуга яқинроқ

Севимли газетамиз ҳамда сирдош дугонаимиз "Оила ва жамият" Биз бир гуруҳ (28 киши) хотин-қизлар ҳар чоршанбани байрамдек қарши оламиз, чунки бу файзли кунда сен билан учрашамиз. Яқинда бизлар "Хотин-қизлар энциклопедияси" номли китобни ўқиб чиқдик. Ундаги яхши ва зарур маслаҳатлардан баҳраманд бўлдик. Хуллас, бу китоб бизга жуда маъқул бўлди.

сат андак камроқ. Халқ ҳузурига сочларини пахмоқ қилиб, тор, очик-сочик кийимлар кийиб чиқишади. Ахир ўзбек тилида қўшиқ айтаётган хонанда халқимизнинг урф-одатларини, феъл-атворини ҳисобга олиши керак эмасми? Икки кекса отахоннинг қўшиқчиларимиз ҳақидаги гапини эшитиб қолдик. "Шу ярим яланғоч қўшиқчиларнинг ота-оналари бормикан? Бор бўлишса буларни шу аҳволда қандай қилиб жимгина томоша қилиб ўтиришаркан-а", дейишди. Қарияларимизнинг бу фикрларида албатта жон бор. Баъзи хонандалар битта қўшиқни (клипда) ижро этаркан, 5-6 марта кийимларни ўзгартиришади. Тавба, улар уялмайдиларми, деб қоласан, киши. Бизлар Н. Абдуллаева, Ш. Исмоилова, Г. Эрқулова, О. Ёрова, М. Раззокова каби кўпгина хонандалардан миннатдормиз ва уларни севиб тинглаб томоша қиламиз. Бу санъаткорларнинг кийимлари чиройли, саҳнада ўзларини бамаъни тутишади. Ниятимиз холис - санъаткорларимизнинг санъати, суварти-у сийрати мустақил юртимизга, юртдошларимизга мос ва муносиб бўлса, деймиз.

З. ҲАСАНОВА



Фаргона

бориш мақсадида баъзи тенгдошларимизнинг фикри билан ҳам қизикдим.

Жамшид ШАРИПОВ, ЎзДЖТУ талабаси:
- Мен кўпинча мумтоз мусикаларни тинглайман, эстрадамиздан эса "Сурхон" гуруҳини севиб тинглайман. Энди либослар ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳар ҳолда либослар куйга мос бўлса менга ёқади.

Хуршид РАУПОВ, ЎзДЖТУ талабаси:
- Аёл санъаткорларимизнинг либос танлашида бачканалик бор. Кўп ҳолларда либослар на куйга, на маданиятга тўри келади. Хулласи калом, санъаткор опаларимизга насиҳат қилмоқчи эмасмиз, лекин ҳар ҳолда ўзгалигимизни яна бир қарра англашга ҳаракат қилсак ва доимо ёдда сақласак ёмон бўлмасди.

**Чоршанби ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон
Тиллари университети талабаси**



ЧИН БАХТ – ВИЖДОН ТИНЧЛИГИДР

Дадам билан аям бир-бирини ёқтириб турмуш қуришган экан. Лекин мен дунёга келмасдан аввал айрим сабабларга кўра турмушлари бузилган. Мен буйим-нигида дунёга келганман. Дадам узокда ашайди, оилали. Аямни ҳам буйим бир қиз билан ўтасанми деб, фарзанд кўрмаган бир инсонга узишган. Ҳозирги кунда фарзандлари бор, бахтли яшашмоқда. Мен эса буйим ва тоғамлар билан яшайман. Буйим ва тоғам мени ўқимасин деб ота-онамдан ҳам алоқ қилиб катта қилишди. Тўғри, биз оддий оиламиз. Бувихонимдан, тоғажонимдан бир умр миннатдорман. Лекин 19 ёшга кирган бўлсам-да, дадамни ҳали кўрмаганман. Умуман танимайман. Ўрта мактабни битирганимдан сўнг 3 йил ўзимиздаги касб-хунар мактабда ўқиб, чеварлик касбини эгалладим ва диплом олиб олий ўқув юрти абитуриенти бўлдим. Афсус менга талабалик насиб этмади. Иккинчи

йили ҳам талаба бўла олмадим. Ўқийдани умидини узганим йўқ. Оллоҳ насиб қилса учинчи йили талаба бўлсам керак. Энг катта орзуми ўқш. Иш ахтариб қўрдим. Лекин менга мос иш топилмади. Омад қоришмаган пайтларда ота-она қадри ўтар экан. Аям ва дадам бўлганида бирор жойдан иш топиб берган бўлар эди, деб ўйлаб қоламан. Йиғлаб-йиғлаб овунаман. Бир хил пайтлари дунёга келганимга пушаймон бўламан. Ўзгалар ҳаётини кўриб туриб тақдирга тан бериб яшайман. Дунёда ҳеч ким тирик етим бўлмаган экан. Бир ҳаводан нафас олиб турган ота ва онани йиллаб, ойлаб соғиниб кўрмай яшаш нақадар азоб экан. Ота-она ажраса ўртада норасида фарзандга қийин экан. Мени бирдан бир овуночим китоблар, бадий адабиётга жудаман қизиқаман. Китоблар ҳаётни тушунишимга катта ёрдам берди. Ҳаёт оқими бир хил, лекин одамлар ҳар хил экан. "Чин бахт - бу виждоннинг тинчлиги-

дир", - деган эди бир файласуф. Азизларим, Оллоҳнинг инсонга бойлигини, фарзандини, оилани синов учун берар экан. Бу ёлгон фоний дунёда хою-ҳавасга, бойликка, нафс балосига учиб фарзандларни етим қилманглар, уларнинг келажагини ўйланглар. Бир кам дунёда ҳеч ким етим бўлмасин.

Азиз тенгдошларим, сизлардан ҳам илтимос - севиш ва севилиш экан деб тўғри келган инсонга кўнгил берманглар. Йигитларнинг ширин, асалдай тотли, қиймдан ҳам баттар ёпишқоқ сўзларига учманглар. Мени бу гапларим яхши, мард йигит ва қизларга тегиб кетмасин. Севиш тилда эмас, дилда бўлсин дейишадилар. Севиш бобиди қизлар йигитларни, йигитлар эса қизларни вафосиз деб айблашмоқда. Инсонни бир қўришда ташқи қиёфасини севиб қолган билан ички қалб гўзаллигини билиш, севиш анча вақт талаб қиладиган ишдир. Қизлар йигитларни синаса яхши бўлади. Яъни йигит-

ни онаси қизнинг уйига келгандагина ишонса бўлади. Шу нарсага билиб кейин севиш ва бир умр севганингиз билан бахтли бўлинг.

Тўғриси мен бирор бир йигитни севамаганман. Жуда кўп севиш изҳорларни эшитганман. Элчилар орқали бундай сўзни эшитган захоти жавобим тайин - рад этаман. Тўғриси алданишни, алдашларини истамайман. Севмайман дейиш осон, лекин севаман дейиш бу жуда қийин. Айниқса қиз бола учун. Менга қолса қиз йигитни севадими дилида, юрагида қилиб кетсин. Қиз йигитга севишини айтса, йигит олдида ҳурмат қолмайди. Баъзи йигитлар "Мени севадими, тамом" қабилида иш тутишади. Ахир бирор қалб севиши учун ўзи ҳам севилиши керакми? Йигитлар қизларни кўпроқ ўзига оддирш пайида бўлади. Йигит киши ҳаётда бирор йўлини топиб кетади, қиз бола эса бир марта беҳурмат бўлгани, унга ушбу беҳурматлик

белгиси бир умр тамға бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. 19 ёшга кирган қиздан бу гапларни эшитиш айримларга ёқмас, яна кимларгадир эриш туюлар, бунинг учун узр сўрайман. Бувимнинг насиҳатлари, ўғитлари, бадий адабиёт мени кенг фикрлашга ва ҳаётга катта одамдай қарашга ўргатди.

Азизларим, бир кам дунёда ҳеч ким қўқилмасин ва алданмасин. Ҳеч ким мендайин ота меҳрига, она меҳрига муҳтож бўлмасин. Ҳеч бир инсон тирик етим бўлмасин. Агар инсонларга бахт улашиш менга насиб этганда эди, энг аввало "Оила ва жамият" мухлисларига тақдим этган бўлардим. Барча инсонларга Оллоҳимдан сабру бардош тилайман. Юртимизга тинчлик, ҳар бир хонадонга улуг бир ур ато қилсин ва бу нур тинчлик ва бахт нури бўлиб қолишини Оллоҳдан тилаб қоламан.

Й. САЁҲАТ

Фаргона вилояти,
Риштон тумани

ҚАЛБИМ ЎЗГА ЁРНИ СУЙМАЙДИ

Боши ўтган сонда

Бошим, буйним бинт билан боғланган. Кўз ўнгимда қоронғулик кўриниб хушимни йўқотдим. Ўзимга келгач, биргина дадамни олдимга қўйишди. Дадам ёмон бўлса ҳам биз учун азиз. Уларни соғинганим. Қучоқлаб олгим келди, лекин ўрнимдан туролмасдим. Дадам йиғлади. Мен ҳам йиғлаб: "Дадажон, олим руҳи ҳақиқи бу йўлдан қайтинг, врачларга учрашинг, сизни соғлигингиз керак, майли ўйга келмасангиз ҳам. Сиздан ҳам айрилиб қолсам нима бўлади..." - дедим. Дадам онт ичиб: "Албатта қайтаман", - деди. Бошида ҳолимдан хабар олаётган дадам анчадан бери олдимга келмай қўйди. Эшитишимча, яна ўша йўлга кирибди. Майли келманг, икки синглимни ўзим вояга етказиб, ўзим турмушга бераман. Қўлларим ишдан тосла ҳам, қаддимни ёллик барвақт букса-да қийдайман. Ҳар куни ойим тушларимга қиради. Алла

айтиб сочларимни силайди. Салиманинг сиймоси ҳам ҳамиша кўз ўнгимда. Унга истагим: "Салима, балки мактубимни ўқиётгандирсан. Сени бир зум унутмадим. Энг оғир дамларимда ҳам ёдимдасан. Ҳар оқшом осмонда порлаб турган юлдузларга боқиб, уларга термулиб гўё сени кўргандек бўламан. Юрагим оғир ҳўрсинганча айрилиқ азобларида эзилиб кетди. Сени соғиниб эркалаб суйгим келади. Менинг тақдирим бунчалар бешафқат бўлмаса. Сенсиз яшашдан бездим. Бу дунёда сенсиз энди мен ҳам йўқман. Сен мени тушунмай армонларга тўла умр сўқмоқларига ташлаб кетдинг. Менинг баҳоримни ҳазонларга қўшиб кетдинг. Энди бу азоблар мени холи қўймай, қалбимга не-не найзаларни санчмоқда. Аҳволим оғир, ҳассага таяниб зўрга юраялман. Ҳар куни касалхона деразаларидан мўлтираб йўлга қарайман. Гўё мени кўргани келиб, бир оз қалбимни шод этарсан, дея ўйга толаман. Қўқсимга исмингни ёзгандим.

Ҳар лаҳзада уни қучганча сени хушбўй бўйларингни соғинаман. Мени бу ишқ ўлғунимча тарк этмас керак. Салима, ишон мен сени севаман. Сен билан тирикман. Сен менга сув-ҳаводек кераксан. Мени ташлаб ўзгага турмушга чиқиб кетма. Қўргани кел - соғиндим.

Азиз опахонлар, акажону тенгдошлар сизлардан илтимос ёрдам беринглар. Мен усиз бир дақиқа туролмайман, уни унутолмайман ҳам. Нима қилай, маслаҳат беринг азизлар. У балки мени севар, балки... Лекин ўша кезлари мени кўрганда бир зум менга нигоҳларини қаратиб тикилиб қоларди. Ох... бу кўзларга жоним қурбон. Ва бир зумда кўзларини уялганича мендан яшириб оларди. Салимага ҳам маслаҳат беринг, азизлар. Бу ишқ мени адои-тамом қилади. Нетай, усиз яшаш маъносиз. Мени ташлаб кетма. Сени сўнгги нафасимгача севаман.



Қалбим ўзга ёрни суймайди,
Юрак сендан ўзгага қўнмайди.
Нетай айт, фариштам Салима,
Сенсиз умрим маъно билмайди.
ҲАМИД

Тошкент шаҳри

Синглим Фариди, Сизнинг дард-аламга тўла дил изҳорингизни ўқиб, рост сизнинг аҳволингизга ачиндим. Тўғри, муҳаббат киши умрининг бир безагидир, агар у чин бўлса. Агар мендан ранжимасангиз, сизга айтадиган бир-икки оғиз сўзларим бор. Бу сўзлар қалбингизга оғир ботиб, юрагингизга ниш каби санчилса-да, аёл киши эканлигим боис, буларни ёзмадан туролмадим. Ўша куни почтадон "Оила ва жамият"ни уйимизга келтириб бергач, биринчи бўлиб сизнинг мақолангизни ўқиб чиқдим. Бир марта эмас, беш-олти мартаба ўқидим. Оиламиз аъзолари билан ушбу мақола хусусида баҳс юритдик. Катта ўғлим: "Балки бу киз, биринчи бўлиб йигит кишига муҳаббат изҳор қилгани учун севги жавобсиз қолган бўлса керак", - дея фикр билдирди. Чинданам шундайди балки...

Инсон ким бўлишидан қатъий назар, ор-номусли, гурурли бўлмоғи лозим.

Сиз нима сабабдан ўзингизни бунчалар хор тутдингиз? Нима, сизни ўша йигитдан бошқага керагингиз йўқми? Қани сизнинг қизлик гурурингиз-у, унга бўлган

яхши ҳолдир, албатта. Қиз севса-ю, йигит кишидан бир садо бўлмаса, чинакам бахтсизлик шу деб ўйлайман.

Борди-ю А. нинг ҳаётига зўрлик билан кириб олдингиз дейлик. Лекин сизни севмайдиган, ёқтирмайдиган инсон билан ҳаётингизни қандай боғлай оласиз?

Мен-ишлаётган корхонада бир

йигит бор. Мен у билан худди опа-укадек иноқман. У ниҳоятда ақлли, мулоҳазали, етти ўлчаб бир кеса-диган, олий маълумотли йигит. Ҳар бир сўзини ўйлаб гапирди. Шу йигит хотинидан ажралганига 4-5 йил бўлиб қолди. Бир қизчаси бор. Уни бир қиз ниҳоятда ёқтириб қолибди. Ёш эмасми, у қиз севгисини 3-4 кишига айтибди. Табиийки, бу гаплар йигитнинг ҳам қулоғига етиб борибди. Бир куни дўстона гурунглашиб ўтирар-

“Қанийди сочингиз толаларига айлансам” — 10-сон

ЭСЛАТМА: А.ни бир кўришда ёқтириб, яхши кўриб қолдим. Уни севишимдан қўлчилик огоҳ эди. Охири бир кун унга севишимни айтдим. Ўқш ҳам тугади. Аммо, муҳаббатим жавобсиз қолди. Лекин ҳамон ундан кўнгул узолмай қийноқдам...

ФАРИДА

ҚАЛБИНГИЗНИ, ҚАЛБИНГИЗНИ БАЛАНДА ТУТНИНГ

пинҳона интилишларингиз?

Ўзингиз иқдор бўлганингиздек, сиз уни қизиқтирмас экансиз, шуни билганингиз ҳолда нега бунақа йўл тутдингиз? Ахир сиз уйдан кўчага чиқмайдиган, газетажурнал ўқимайдиган, 17-18 ёшли қизча эмас, дунёқараш кенг, билимли қиз эдингиз-ку.

Севимли шоиримиз А. Ориповнинг бир шеърда: "Сийланган жойида азиздир инсон", деган мисралар бор. Наҳотки, инсон керакли жойда қанчалар суякли, қадрланмаган жойда қанчалар хор тутилишини англаб етмаган бўлсангиз. Қани сизнинг қизлик гурурингиз, аёл қалбининг яшин кечинмалари-ю, шу кечинмаларини эркак зоти олдида осонликча ошкор қилмайдиган ҳаёга, ибоба, назокат-у нафосатга йўрилган қалб изтиробларингиз?

Йигит киши олдида гурурини паймол қилиб, ўзининг қадрини ерга уриб, биринчи бўлиб севгисини изҳор қилиш, аввало қиз бола табиатига ёт нарса. Балки, севгингизни рубёга чиқмаганлиги шундан далолатдир десам ёлғон бўлмас.

Фаридахон, сиз ушбу сўзларини ўқиб: "Бу аёл нақадар севги муҳаббатдан йироқ кимса экан", - деб ўйлаётгандирсиз балки. Худога шукр, севиб, севилиб турмуш қурмаган бўлсам-да, эрим билан "сиз" оғзимиз "сен"га бормай, тўрт ўғлини тарбиялаб келмокдамиз. Севган касбим, мақола, шеърлар ёзишдек юрагимга ғоятда яқин бир санъат, мўйжиза билан яшайман десам нокамтарлик бўлмас албатта. Шеърларимнинг аксариятида муҳаббатни, одамийликни қўлайман. Лекин, мен сизга: "Бу йигитни севма", - дея маслаҳат беролмайман. Тўғри, ҳақиқий севги инсон юрағида бир бора пайдо бўлиб, бир умр ўша юракни тарқ этмаслиги

канман, унга шу қизчанинг изтиробларини сўзлаб, унга уйланиб қўя қолишини маслаҳат бердим. У одатига қўра бироз жим қолди-да: "У менинг тенгим эмас, тенгини топсин опаю, унга айтинг", - деди. Мен эса унга: "Тушунмадим, сенинг бу сўзларингизни қайси маънода қабул қилай, тенгим эмас деганинг нима деганинг?", - дедим. У: "Опа, бу деганим у қиз ҳали ёш, уйланмаган бир йигитни топиб, ўшанга тегсин, шундагина у бахтли бўлади", - деди.

Мен йигитнинг нақадар олижаноб эканлигига қойил қолдим. Синглим, сабр-тоқатли бўлмоқ кишини юксакликка чорлайди. Сабр қилинг. А. ни ўзи айтганидек, уни унутинг. Дуч келган хушбичим, чиройли йигитни феълитворини билмай севиб қолманг. Қадрингизни, қадрингизни баланд тутиб, келажагингиз сари дадил қадам ташланг. Яна такрорлаб айтман, уни унутинг. У сизнинг севгингизга арзимайди. Сизга А. дан-да чиройли, ақлли йигит насиб қилар, фақат сабр қилинг.

Фаридахон қизим, мен сизга ҳеч кимни севманг демоқчи эмасман. Қадрингизга етадиган, севгингизни улуғлайдиган тоза қалби бир йигит сизни севишига ишончим комил. Ҳеч қачон гурурингизни поймол қилманг, йигитлардан олдин севги изҳор қилишга ошиқманг. Шундагина бахти баркамол бир инсонга айланасиз. Аёлликнинг бекиёс латофати қалбингиз тубидаги яширин севгингизга қоришиб "бахт" деб аталмиш буюк бир саодатга эришасиз, дея умид қиламан. Ҳаётга муносабатни йиги билан эмас, кучли ирода билан ўзгартириш керак деб ўйлайман. Синглим Фаридахон, менга хат ёзиш истагингиз бўлса, манзилим тахрирляда.

София УЗОҚОВА

Шахрисабз шахри

БАХТ СЕНИ СЎРОҚЛАСИН

Қизим, одамнинг шахсий ҳаётига ара-лашишдек ишни ёмон кўраман. Шундай бўлса-да мен мактубингга жавоб ёзишга аҳд қилдим. Менимча, муқаддас Ўзбекистон тупроғида яшаётган ҳар бир шахс қувончи бутун халқнинг қувончи, ғам-ташвиши ҳамма-нинг ғам-ташвиши

бўлмоғи лозимдир.

Айтишингча, ёшинг 22 да. Олийгоҳни тамомлаб ҳуқуқ идораларида ишлаб турибсан. Бу чакки эмас. Фарида қизим, энди кел, бошдан дўппини олиб бир ўйлайлик. Сен мустақил Ўзбекистонимизнинг энг доно, энг бахтли, ўз орзу-умидларига эришган бир фарзандисан, яна ҳам ўйласак ҳуқуқ устуворлигини кўз-кўз қилувчи одамсан. Ҳай, Ҳай, она-қизим қўлингизда анча-мунча одамнинг қўли етмайдиган амал бўла туриб на-ҳот севги, муҳаббат деб эрта-у-кеч кўз ёши қилиб юрсанг. Ахир одамлар на-жот излаб олдинга келса-ю, сен йигидан бўшамасанг, биз порлоқ келажақ яратаётган бу даврда шундай гаплар га-пирсанг ярашадими?!

Фарида, жон қизим! Авваламбор, сен ўзингнинг гурурингизни, қизлик латофатингизни, орзу-умидларингизни бекор-дан-бекорга қўчаларга сочма. Йигитни бас қил. Агар ундан бошқа одам бўлганида, сени маржон ёшларингизни қадрига етганида остонангизда кўрпа-тўшак қилиб ётиб олган бўларди. Садқаи сени кўз ёшларингиз унга. Маслаҳатим шуки, сен энди шошилма, авваламбор ота-она, ака-укаларнинг умидини чўқитрмай касб-коринг сир-асрорини эгallaб халқ учун, Ватан учун белни маҳкам боғлаб яша. Худодан бир мўмин, қобил, пок, меҳнатқаш, сени тўғри тушунадиган, сен билан ёниб яшайдиган йигитни тила. Бахтингиз ўзи остонангизни тақиллатиб келади.

Андижон

ДИЛКАШ

ЙИГИТ СЕВСА УЙЛАНАДИ

Ёшим 18 да. Мен ҳам билим юртини битиришдан олдинроқ Т. исмли йигит билан танишиб қолдим. Ўта камтарлиги мени ўзига мафтун этди. Сўнг у мен билан яқиндан танишиш истаги борлигини билдирди. Ўзи бўлажак ДАН ходими эканлигини айтди. У билан хайрлашдик. Хайрлашдик, лекин ҳаёлим ҳамон ўшанда эди, чунки у мен орзу қилган йигит эди. Орадан анча вақт ўтди. Бир кун курсдошларим билан концертга бордик. Эшикдан кирган заҳотиёқ унга кўзим тушди. У мен билан саломлашиб, ёнидаги ўриндиққа тақлиф қилди. Концерт тугагач мени уйимга кузатиб қўйди ва ана учрашиш истагини айтди. Шундан кейин уни ҳар куни кутадиган бўлдим. Лекин бирор марта учрашмадим. Фақат уни излашни, қидиришни ўйлардим-у, лекин

қандайдир куч мени излашга қўймасди. Ҳар қанча кўргим келса-да, "Балки ўзи келиб қолар", - деб ўзимга далда берардим. Бир кун унинг дўстини учратдим ва Т. ҳақида сўрадим. Унинг дўсти қизиқиб: "Т. сизга ким бўлади?", - деб сўради. Уялганимданми ёки сир бой бергани келмадими, "қариндошим", - деб қўя қолдим. Ундан эса дарак бўлмади. Т.ни севиб қолганлигимни ҳеч кимга айтмасдим. Унга аталган бор гапим шу тариқа юрагимда қолди. Севишга севдим-у, лекин Фарида опадек уни ахтаришга қизлик гурурини йўл қўймас эди.

Менимча, биз қизлар: "Қиз севса қолур, йигит севса олур", - нақлига риоя қилишимиз керак. Ана шундагина ўз бахтимизга муяссар бўламиз.

ЗАРИФА

СЕВИБ, СЕВИЛИБ ЯШАНГ

Фаридахон синглим, халқимизда: "Севмаганга сўйқалма" деган мақол бор. Сиз ўзингизни кўп қийнабсиз, ҳатто "ҳаётдан тўйдим", - дебсиз. Бу билан нотўғри ҳаёлларга борибсиз.

Сизнинг ҳаётда борлигингизнинг ўзи буюк бахт-ку! Сиз севиб (йиглаб-сиқтаб эмас), севилиб яшашга лойиқсиз. Ҳали ҳаётингиз олдинда. Сизни, қалбингизни, севгингизни дил-дилидан тушуялман. Лекин А. сизни севмаса иложингиз қанча. Сиз: "А. билан руҳан яқин бўлсам бўлди", - дебсиз. Қўйинг ўшани, руҳан ҳам яқин бўлманг. Унга ёмонлик ҳам тиламанг! У ҳам кимнингдир фарзанди. У ҳам бахтли бўлсин. Унинг айби сизни севолмагани, холос! Сизнинг бошингиздан кечаётган кечинмалар менинг ҳам бошимдан ўтган. Мен ҳам сизга ўхшаб севдим, ёндим, куйдим. Излаб ҳам борганман, ҳатто. Лекин у мени хоҳламади. Энди ўйлаб қарасам, Яратган эгам мени бахтдан эмас, бахтсизликдан қайтарган экан. Ма-бодо ўша йигит билан турмуш қуриб кетганимизда умрбод таънаю-маломатдан бошим қичмасиди. Унинг лоқайдигидан сўнг совчи қўяётган йигитлардан бирига

шартта рози бўлдим. Худога шукр. Ҳавас қилса аргизуғил ховли-жойим, гулдек икки ўғлим, оилам, ёру-биродарларнинг меҳру-муҳаббати оғушидаман. Жойларим жаннатда бўлгур раҳматли қайнонам мени, набираларини дуо қила-қила икки йил бурун оламдан ўтдилар. Ҳозир эл суйган шоираман. Қўшиқларим таниқли хонандалар томонидан айтыла-япти. Кетма-кет шеърый китобларим дунё юзини кўрди. Энг муҳими, кечик-сам ёки бирор жойга кетсам йўлимга қарайдиган қора кўзларим бор. Фаридахон, Сизга ҳам шундай бахт насиб этсин. А.ни деб изтироб чекишларни бас қилинг. Бу аҳволда бирор дардга чалиниб ёки Худо сакласин-у чиндан ҳам руҳий касал бўлиб қоласиз. Ахир ота-онангиз сизни ҳам не бир умидларда катта қилишган, ўқитишган. Ўзингизни қўлга олинг. Ҳали ҳаммаси олдинда! Сиз албатта бахтли бўласиз. Бир замон келиб менга мактуб ҳам ёзарсиз ҳали.

Саломат МАМАТКУЛОВА

Самарқанд вилояти,
Тойлок тумани,
Тойлок кўрғони



Азиз адажонимов!
Биз сизни таваллуд айёминиз билан қутлаймиз! Дуодан барча эзилликлар сизга ёр бўлсин. Бахтимизга домго сой бўлинг.

Фарзандларингиз Адиба, Жаҳонгир, Шухрат ва набирангиз Жамшид

Қайда ўзи ўша бахт

ОПАМНИНГ БАХТИНИ ЎЙЛАЙМАН

Опам 18 ёшида турмушга чиққанди. Турмуши яхши эди. Аммо, орадан бир йил ўтгач, эри вафот этди. Олти ойлик ҳомиласи билан опамни уйга олиб келдик. Опам менинг энг катта сунчимга айланган. Ёши 24 да. Мен опамнинг бахтли бўлишини, уни тушунадиган, иймонли инсон билан турмуш қуришини жуда хоҳлардим.

Р.

Сурхондарё вилояти

Озиш, семириш, ажин, қабзият, хуснбузарлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз. Телефон: 74-71-29.

ҲАР ИШДА МЕЪЁР БЎЛСА...

Ҳар гал чиройли кишига ёки нарсасига кўзимиз тушса, "мунча чиройли-я", деймиз, беихтиёр "кўз тегмасин", деб қўямиз. Бу иборани ишларимиз юришганда ҳам айтишимиз сир эмас.

Кишиларга кўз тегилишининг боиси нима? Олимларнинг таъкидлашича, ҳар бир киши маълум бир биокуват-таъсир кучига эга. Кимдодир кўпроқ, кимдодир камроқ мавжуд бўлган бу биокуват ҳоҳида "ярқ" этиб юзага чиқади...

Комилжон гоҳида нимани ҳаёлидан ўтказса, дарҳол кўз ўнгига юз берарди. Бир кун у кечки пайт маҳалла оралаб келаётиб, атрофга зиё таратиб турган чироққа беихтиёр кўзи тушди. Ҳаёлида бу чироқ бошқа чироқларга қараганда чарогонроқ нур сочаётгандек туюлиб, ортига ўтирилди. "Қойил", дедию, йўлида давом этди. Эндигина чироқдан тўрт кадам узоклашган Комилжон ногаҳоний бир портлашдан чўчиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, боғина нигоҳи тушган чироқни лампочкаси синиб, симёғочнинг симлари куйиб кетган, бунинг натижасида нафақат бир, балки кўчанинг бир томонини ёритиб турган ўн чоғли симёғочнинг чироқлари ўчганди...

Буни эшитиб, бувим айтиб берган бир воқеани эсладим.

Севиниб турмуш қурган Гулчехра ва Алишерга кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Ёшларнинг иккаласи ҳам олий ўқув даргоҳини би-тириб, яхши касбада ишлар, ота-оналар рози-ризалиги билан турмуш қуришган эди. Аммо,

ОИЛА-17
Фарғоналик. Қишлоқда яшайдиган, ёлғиз, соддагина 39 ёшли йигит инсонни ҳар томонлама тушунадиган 35 ёшдан юқори бўлган аёл билан танишиб бир умрлик оила қурмоқчи.

ОИЛА-18

Ёшим 27 да, оилада кенжа қизман, яхши жойда ишлайман. Ҳарбий соҳада ишлайдиган 35 ёшгача бўлган йигит билан танишмоқчиман.

Касалликларни юқори сифатли, кафолатланган, 100 фоиз табиий дори-дармонлар (Франция) билан даволашни таклиф этамиз:

- остеохондроз, - аёллар муаммолари;
- уйқусизлик, асаб, - болаларни ўсишдан
камқувватлик, не- ортада қолиши, тез-тез
вроз; - касалликларга чалини-
- қандли диабет, - шигар хасталиклари;
бўқок; - вителиго, псориаз,
- эркаклар муам- аллергия.
молари: простатит,
- жинсий ожизлик,
бепуштик;

ТЕЛ: 136-00-10

Ажойиб-гаройиб

бир кам дунё деганларидек, бу оила узок вақт давомида тирноққа зор бўлиб яшади. Оллоҳнинг марҳамати билан дунёга келган фарзандлар уч-тўрт ой ўтмай оламдан ўтарди. Бу ҳол уч марта такрорлангач, ота-оналар қаттиқ изтиробда қолиди. "Чикмаган жондан умид", дея бирин-кетин илму-амал қила бошлашади. Қулларни бирида бир аъзаимхоннинг ҳузурига бориб дарду ҳасратларини тўкиб солишибди. Гулчехранинг йиги аралаш ҳикоясига диққат билан қулоқ солган нуруний отахон эр-хотиннинг қўлига худди

гўдадек ўраб қўйилган тошни тўтқазиб: «Қани бунинг бир эркаклар-чи», - дебди. Эр-хотинни кўз олдига бирин-кетин дунё юзини кўрмай ўтган фарзандлари пайдо бўлибди. Меҳр билан тош чақалоқни қўларига олиб эркалаб бошлашибди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас тошчақалоқ қок қок кийиб бўлиниб, синиб тушибди.

Бу ҳолни гувоҳи бўлган отахон уларни ували-жували бўлишини талаб, дў қўлар-кан: "Кўпинча кишиларнинг меҳр кўрсатиб болаларини эрқалашига уларга салбий таъ-сир кўрсатади, организмдаги яширин қувват микдорининг ортиси натижасида кўз тегиб, фожеага сабаб бўлиши мумкин, шу-нинг учун ҳамма нарсасига эҳтиёт бўлиб ён-дошинлар. Мана, энди ҳаммаси ўрнига тушди", - деган экан.

Гулнора АБДУРАХМОНОВА

Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани

ГИЛОС — БУ ЯХШИЛИК

Аёл кишининг туши тескари келади, дейишади. Тушумда институтимизнинг катта боғи. Мевалар фарқ пишган. Ҳамкасбим гилосларни қокчиб, тердиряптилар. Мен ҳайратдан ёқамни ушладим. Ахир гилосни ҳам калтак билан қоқадими? Ер билан битта бўлиб ётган гилослардан тўрт донасини энди қўлимга олишим билан ҳамкасбим бу ёққа беринг, деб тортиб олди. Хўрлигим келди. Тўрт донаги-на гилосга олмади-я. Ўзимизнинг ҳам катта боғимиз бор. Унда ҳам гилослар шигил пишган бўлса керак дедим-да, уйғониб кетдим. Тушда боғни қўриш - яхшилик эканлигини билсам-да, қўлидаги тўрт донаги гилос-

ни ҳам олиб қўйишгани кўнглимни хижил қилди. Кейинроқ ишга берилиб кетиб, унутиб юбордим. Орадан икки кун ўтгач, боғимизда ишлаётган ишчиға тўртта коса бериб юбораётганимда қўрган тушим эсимга тушди. Қўлимдаги гилосни бериб юборганим, уйимдаги косани ўз қўлим билан беришимга ишора экан. Чунки гилос ҳам неъмат, косага ҳам неъмат солинади.

Орадан икки кун ўтгач, ўша ҳамкасбим лаб бўяғич соғва қилди. Ранги тушимда кўринган гилоснинг ранги каби қип-қизил.

Фотима Йўлдошева

МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Бир оғир дардга чалиниб ётиб қолдим. Ҳаётдан ҳам умидимни узиб қўйгандим. Қашқадарёдаги шифокорлар сўнги муола-жадан кейин мени 2-ТошМИДаги суяк-йиринг ва жароҳат оқибатларини даволаш мар-казига юборишди.

Улар мени бир йил даволашди. Даволаш-ганда ҳам энг аввало меҳрларини ва шир-ин сўзларини аяшмади. Ахир гилосга туза-лиш умиди пайдо бўлди. Ниҳоят соғайиб оёққа ҳам турдим.

- Мени оёққа тургазган даволаш мар-казининг директори Абдуваҳоб Тошпўлатов, шифокорлар Қаҳрамон ака, Адибахон опа-жидан кейин мени 2-ТошМИДаги суяк-йиринг ва жароҳат оқибатларини даволаш мар-казига юборишди.

Азамат Худойқулов
Қашқадарё вилояти, Қарши тумани

Каталоглар асосида парда ва комплеклар тикаман, тикиш усул-ларини ўргатаман.
Тел: 116-81-81

"Холдинг" компанияси раҳбарлик лавози-мида ишлаш қобилияти бўлган, ташкилотчи кишиларни ишга таклиф этади.
Тел: 136-00-10

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади

1. Бичиш-тикиш 3 ой; бошловчилар учун 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортқ за-монавий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни мо-деллаштиришни ўрганасиз.
2. Ҳамширалик 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулоти ўтилади.
3. Сартарошлик 3 ой (амалиёт билан).

4. Сартарошлик 3 ой (амалиёт билан).
5. Торт ва турли хил пишириқлар 2 ой.
6. Парда ва пакриваллар тикиш 1 ой (Замонавий элита усулида, парда ва пакриваллар учун буюртмалар қабул қилади).
7. Тўқувчилик 2-3 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади.

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусо-бод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин). Ўқиш июн ойидан бошланади.

“ҲАДИЧА САЁХАТ” ФИРМАСИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

3-ОЙЛИК

Бичиш ва тикиш (3-6 ой). Қандолат-чилик. Пардалар ва чойшаблар ти-киш. Сартарошлик. Бухгалтерия.

Массаж (2 ой).

Уй ҳамшираси.

(Ўқишни битирганларга дип-лом берилади.)

Манзил: Янгиобод даҳаси. “Янгиобод” кинотеатри биноси. Тел: 98-71-98

“ХОЛИС-УМИД” ФИРМАСИ ўқишга қабул қилади:

Бу ерда Сизга энг сўнги моделларда, тез ва осон бичиб-тикишни ўргани-шингизда малакали дизайнерлар, уста мутахассислар ёрдам берадилар.

3 ойлик

- бичиш-тикиш (сиз хоҳлаган фа-сонлар).
- ҳамширалик (амалиёт билан).
- сартарошлик (амалиёт билан).
- парда ва чойшабларни замона-вий “Элита” усулида тикиш.
- инглиз тили (бошловчилар, да-вом эттирувчилар учун).

2 ойлик

- компьютер саводхонлиги.
- торт ва салат тайёрлаш.
- массаж (ёш болалар ва катталар учун).
- Эркаклар костюм-шимини тикиш.
- аёллар костюми, плашчи, пальтосини ти-киш.
- косметология (амалиёт билан).
- акушерлик (амалиёт билан 6 ой).

ДИҚҚАТ! “Холис-Умид” фирмаси 3-4 кишилик тезкор махсус кичик гу-руҳларга ҳам қабул эълон қилади. Бир ой давомида Сиз фирмадаги бар-ча курслардан хоҳлаганингизни мукаммал ўзлаштириб оласиз. Дарслар ҳафтада уч марта ўтказилади. БИТИРГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

Манзилимиз: Метронинг “Халқлар дўстлиги” бекати, “Олмазор” мавзеси, 8/1-уй, 30-хона, 1-йўлак.
Телефонлар: 47-09-52, 45-22-85

ЗУККО фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

1-ойлик

- Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилар. Бир ойга 6000 сўм.

2-ойлик

- Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 3500 сўм
- Сартарошлик. Бир ойга 3500 сўм.
- Массаж (умумий). Бир ойга 3500 сўм.
- Уй ҳамшираси. Бир ойга 3500 сўм.
- Энг замонавий усулларда “Элита” пар-далари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 4000 сўм.

3-ойлик

- Бичиш-тикиш. Бир ойга 3500 сўм.
- Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 3500 сўм.
- Инглиз тили (давом эттирувчилар учун). Бир ойга 4000 сўм.
- ТООФЛ. Бир ойга 6000 сўм.
- Акушерлик. Бир ойга 4000 сўм.
- Теле-радио усталари. Бир ойга 3500 сўм.

Ота-оналар диққатига! 5, 6, 7 ёш-даги болаларга инглиз тили ўрга-тилади. Бир ойга 3500 сўм.
Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади.
Вилоятдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Фирма сифатли ўқитишга кафолат беради. Ҳамма ўқишлар амалиётни билан.

Манзилимиз: Метронинг “Тинчлик” бекати. “Азиза Сайфи кизи” ательесининг ичида. “Адида” дўкони ёнида. Телефон: 42-36-71

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик; ● пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмалар пардаларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик; ● машинада гул тикиш - 3 ойлик; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плашларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик. **Диққат!!! 2001 йил апрел-дан бошлаб махсус кичик гуруҳларга (3-4 кишидан иборат) қабул қилиш ва ўқитишни бошлаймиз.**
Ҳар кун яқка тартибда олиб бориладиган ушбу машғулотлар давомида марказ курсларининг ҳар бирини бир ойда ўзлаштирасиз. Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (яқтанбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.

Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.
Мўлжал: Метронинг “Амир Темур” бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 162-49-85 (кечқурун).

“BEGOVIM - SERVIS” - ўқув маркази қизларни турли хил курсларга таклиф қилади:

1. Сартарошлик - 2 ой.
2. Бичиш-тикиш - 5 ой.
3. Қандолатчилик - 2 ой.
4. Компьютер (бошланғич) - 2 ой.
5. Уй ҳамшираси - 2 ой.
6. Массаж - 2 ой.
7. Косметология - 2 ой.
8. Парда - 2 ой.
9. Инглиз тили (бошланғич) - 3 ой.
10. Олий даражадаги қандолатчилик - 1 ой.

Манзилимиз: “Мустақиллик майдони”, Ўрда бекати.
Анҳор бўйи 6-уй, “Феруза” тилла магазини орқасида.
Тел: 41-16-63

Оилада тўнғич фарзандман. Менинг меҳрибон онажоним кўп жабр чеккан аёл эдилар. Каттик бетоб бўлсалар касалхонада даволаниб чиқардилар. Кейинчалик онам касалхонада ётгани кўнмай қўйдилар. Августда мени турмушга узатдилар. Орзуларим бир олам эди. Афсуски қўёвим билан ҳеч чиқиша олмасдик. Ажрашишга сабаб жуда кўп эди. Мен ёшлик қилиб, оила нима эканини тушунмаган эканман. 1992 йил 9 августда тўй бўлган бўлса, 1993 йил 26 декабрда уйга келдим. Хомиладорлигимни сезиб қолиб, онамга айтдим. Уйдагилар менга оилавий ҳаётимни яна давом эттиришим лозимлиги-

лигидан ҳаётдан бевақт кўз юмдилар. Онам 39 ёшда эдилар. Оилада мен, укам, синглим эдик. Онасиз яшаб жуда қийин экан. Фарзандим қўлимда етти ойлик эди. Кунлар, ойлалар ўтиб укам армияга кетди. Бир куни қариндош-уруғлар: "Отанг уйланиши керак, сени узатиб кейин уйланаман деяпти", - дейишди. Менга ҳаёт, яшаш бефойдадек эди. Онам-сиз жуда-жуда қийналдим. Кимга турмушга чиқиш унчалик муҳим эмас, фақат уйни отамга бўшатиб берсам бўлди деб фарзанд кўрмаган, 1970 йилда туғилган йигитга турмушга чиқдим. Йкки ярим ой зўр-базўр яшадим. Қайнакамнинг ўғиллари қизимга: "Бу ер сени

дим. Юрагим тўлиб кетганидан ўзимни тўхтатолмай қолган-дим. Қизимнинг кўз ёшларини артаётиб бўйнидаги бармоқ изларига кўзим тушиб сесканиб кетдим. "Қизим, бўйинингга нима бўлди?" - деб сўрадим. Дадам: "Нима қилдинг", - деб бўйимдан бўғиб, қўлида қаттиқ ушлади, аяжон, нафас ололмай қолдим, - деди. Ҳаёт қўзимга тор кўринди. Қизимни даст кўтардим, онамнинг онаси - каттабувимникига кетдим. Ўз отамнинг уйига - ўғай она олдиға боришга номус қилардим. Бунга ҳам мана 3 йил бўлди. Қайнонам уйдан кетганимга уч кун бўлмасдан жиянини - яъни ўғлини биринчи хотинини олиб келибди. Яқин-

МУШКУЛ АХВОЛДА ҚОЛДИМ

Армиядан йигитлик бурчимни ўтаб келдим, икки ойдан сўнг мени уйлашди. Турмуш ўртоғим ҳам эсли-хушли бўлиб, ота-онамни хизматини яхши бажарарди. Бизга Оллоҳ бир қиз ва бир ўғил фарзанд берди. Турмушимиз шунақам ширин ўтардики асти қўяверасиз. Лекин бу ширин ҳаётимизга кўз тегида чоғи, турмуш ўртоғим тўсатдан вафот этди. Мен нима бўлганини билмайман, ўша куни ҳам ишда эдим.

Кўрганларнинг айтишича, қизим ва ўғлимни кучоқлаб юз-кўзларидан ўпиб, сўнг: "Боринглар, ўйланглар", - деган ва ўтирган жойидан қайтиб турмаган. - Шуларни сўзлардию, Одил дўстимнинг кўзларидан ёш оқарди. - Хуллас, мен учун жуда огир кунлар бошланди. Фарзандларим, айниқса қизим катта бўлгани учун кечаси билан "Аяжон" деб йиғлаб чиқарди.

Ота-онам роппа-роса 6 ойдан сўнг бир аёлга унаштириб тўй қилиб беришди. Турмушимиз аста-секин ўз йўлига тушди.

Фарзандларим ҳам бутунлай анги онасига ўрганиб қолишди. Онасидан эрта ажралган гўдакларга фақат ширин гап ва оналик меҳри керак эди, холос.

Кунларнинг бирида ўғлим сариқ касалига дучор бўлди. Хотиним ўғлим билан касалхонада ётиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, йиғласа йиғлаб, кулса кулиб докторлар ёрдамида фарзандимни сақлаб қолишди (аввало Оллоҳ сақлади).

Аммо бу хотинимни ота-онам, акаларим унчалик ёқтиришмас эди. Олдинги турмуш ўртоғимни роса яхши қўришар эди. Орадан ойлалар ўтиб онам касал бўлди. Хотиним онамга ҳам қўлидан келганича яхши қаради. Ўзи ҳам тез-тез касал бўлар эди. Мен докторларга олиб бордим, табибу, бахшиларга кўрсатдим, қўлимдан келганича хотинимни фарзандларим учун соғ юришини кўзлар эдим. Ахир ўғлим ҳам, қизим ҳам уни "Аяжон" деб чакирадиган бўлишганди. Бошқа ҳечам у кунлар келишини хохламас эдим.

Шу орада ўғлимни суннат тўйини ўтказиш ҳаракатига тушдик. Тўй кўнига ҳам оз қолган эди. Хотиним яна касал бўлиб қолди. Мен хотинимни касалхонага ётқиздим. Бир томондан тўйга ҳаракат бўлса, иккинчи томондан касалхонага югураман. Хуллас 28 кун деғанда хотиним касалхонадан чиқди. Ўша куни фарзандларим шунақам хурсанд бўлишдики, бири қолиб-бири онасини кучоқлаб ўпишар эди.

Уларни кўриб мени ҳам хурсандлигимдан кўзимдан ёш чиқиб кетди.

Ўғлимни суннат тўйига икки кун қолганда хотиним: "Дада-си, биз томондагиларни тўйга



айтманг", - деди неғадир. Мен эса гапига парво қилмай қайнонам келмаса тўй ғалати бўлар, деб ҳамма қариндош-уруғларни тўйга айтдим.

Тўй ҳам яхши ниятлар билан бошланиб, тугай деб қолган вақтда, мен видеочини уйга қўйиб келганим кетдим. Чунки бошқа машинаси борлар спиртли ичимлик ичиб олишган, машина бошқаришни хохламас эдилар.

Мен уйга қайтиб келсам, қайнонам ва қайнсинглим ота-онам ва акаларим билан гап талашиб уришаётган экан. Мен нима гапчилигини суриштирсам, ҳеч ким билмасди (аммо кейин билсам арзиманган латта-путтани жанжали экан). Қайнонам отамни жуда беҳурмат қилиб, бакириб маҳаллани бошига кўтарди.

Отам эса жаҳл отига миниб уларни ҳам, хотинимни ҳам бутунлай уйдан ҳайдаб юборди. Хотиним уйдан чиқиб кетаётганида қизим ҳам, ўғлим ҳам маҳкам оёғига ёпишиб: "Аяжон, кетманг", - деганича йиғлаб қолишди. Орадан бир-икки кун ўтгач ота-онам: "Шу қилганига сени энди бошқасига уйлал-миз", - деб айтишди.

Энди мен нима қилай, хотинимни қайтиб келишига ота-онам бутунлай қарши. Чунки отам бир сўзлай одам. Хўп, мен уйландим ҳам дейлик. Лекин келадиган хотин фарзандларимга яхши қарайдими? Фарзандларим уни онам деб қабул қилишадими? Ахир икки йил бутун меҳрини бошқа онага беришган бўлса. Қизим ҳам, ўғлим ҳам катта бўлиб қолишди-ку.

Шу онасиз қолган гўдаклар деб хотинимни олиб келсам, ота-онам назаридан қоламан, ота-онамни десам фарзандлар аросатда қолишади. Қизим эса кечаси билан "Аяжон", деб йиғлаб чиқаяпти.

Хурматли юртдошлар, мен энди қандай йўл тутай?

БАҲРОМ

Андижон вилояти, Избоскан тумани

ЁЛГИЗ ЯШАШ ҚИЙИН ЭКАН



да ўша жувон она бўлди, деб эшитдим. Уларга бахт тилайман. Бахтли бўлишсин. Биринчи қўёвим ажрашиб кетганимдан сўнг 9 ой ўтиб уйланди. Хозир иккита фарзанди бор. Бу дунёда мен ҳам фарзандим учун яшаб юрибман. Ҳозир ёшим 25 да. Энди оққорани ажратиб ҳаётда қилган хатоларимни тушундим. Афсус кеч бўлди. Лекин ёлғиз яшаш қийин экан. Таъна-маломатлар менга айтилаётгандек туюлади. «Ўнгур бўлса ҳам уйинг, айиқ бўлса ҳам эринг бўлсин» экан. Дугоналаримни қўёвлари билан фарзандларини етаклаб юрганларини кўрсам хўрлигим келади. Бу дунёда хато қилма экан. Кейин аттанг десанг ўрнига келмас экан. Энди эрга чиққани кўрқиб қолдим. Фарзандимни бировга мўлтиратиб эр қилиш менга керакмас. Дунёда яхши одамлар ҳам бор-ку, дейман. Лекин яхши одамлар менга учрамади, шекилли. Қизимни даволатиб турибман. Ҳозир у 6 ёшда. Укамни уйлақди. Ўғай онамни икки нафар қизи, синглим ва мен қизим билан бирга яшаймиш. Ўйланавериб ўйимга етолмайман. Яхши одам бўлса, фарзандимни ўз фарзандидек кўрса, турмушга чиқардим. Менга фарзандим қувониб юрса бўлди эди.

ДИЛ ИЗҲОРИ

Андижон вилояти

Бош муҳаррирдан:

Бу мактуб менга қарата ёзилган ва муаллиф айнан менинг жавобимни қутилиши таъкидлаганди. Лекин мен уйлаб мулоҳаза юртиб, бу дил изҳорини сиз муштарийлар эътиборига ҳавола этишсин лозим тойдим. Бунинг учун муаллифдан узр сўрайман. Унинг айнан ўзи билан хат орқали боғланишни истаганлар мактубларини тахририят манзилига жўнатсинлар. Биз эса уларни эъсасига етказамиз.

ни, болали бўлсак ҳаммаси изга тушиб кетишини насихат қилишди. Лекин мен қўёвини кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамас эдим. Ўша пайтлар: «Ундан бўлган бола менга керак эмас», - деб олдириб ташлайман, деганларимни эсласам ўзимдан нафратланиб кетаман. Онажоним: "Ногирон бўлиб қоласан, Худодан кўрқин болам", - деяверганларидан сўнг Худо инсоф бердим, ундай демай қўйдим. 1994 йил 13 июлда қизим дунёга келди. Оиламиздагилар мени энди барибир ярашиб яшаб кетади, деб уйлаб хурсанд эдилар. Лекин мен қўёвим билан яшашни истамасдим. Ўшанда мен она бўлган бўлсам-да, ҳаётни тушунмаган эканман. Онажоним отамга: "Қизингизга қанча насихат қилай, у уйга борганимдан кўра ўлганим яхши деяпти", - деганларидан сўнг отам ноилож рози бўлганлар. Онам бу орада яна бетоб бўлиб қолдилар. Мен онамга қараб эзилардим, лекин онамга менинг ташвишим огирлик қилаётганини тушунмасдим. Фарзандимни эрқалата туриб онамнинг кўзлари ёшланиб кетарди. Мен бунга кўриб кўрмасликка олардим. 1995 йил 8 мартда онажоним юрак хаста-

уйингмас, йўқол, кет", - деб мен йўғимда ўдағайлаб беришаркан. Қизчам: "Аяжон, бу ердан кетайлик", - деб йиғларди. Қўёвим билан муносабатимиз яхши эди. Қайнонам синглисини қизини келин қилган экан. Келин бўлиб тушганимга бир ҳафта бўлмай кундошим жанжаллашгани келди. У қайта-қайта келаверди. Қайнонам қизингиз менга, мени боламга «дори» деб йиғлаган аёл, қизимга қайрилиб ҳам қарамас эди. Қизим икки ёшга етганда юрди (етти ойлик туғилгани учун қувватсизроқ эди). Юрган-да бир оёғини ташлаброк юрарди. Қайнонам ўғлига: "Буни боласи ярим жон бўлса, сенга яна ногирон бола туғиб бермасидан йўқот", деб гапирди. Бир куни қизим қўёвим столга қўйиб қўйган қассетани бузиб лентасини чуваб ўтирса, кириб қолибди. Мен бу пайтда қайнонамни уйини йиғиштираётган эдим. Бирдан қизим йиғлаб қолди. Супургини ташлаб югурдим, йўлақда қўёвим сўқиниб чиқаётганини кўрдим. "Нима бўлди", - деб сўрасам, "Қассетани расво қилпти", - деб кўчага қассетани отворди. Аччиқ қилиб тез-тез юриб чиқиб кетди. Уйга кирсам, қизим хўн-хўн йиғлаб ўтирарди. Қизимни кучоқлаб роса йиғла-

Биз 1999 йилнинг баҳор ойида танишдик. У мендан бир ёш катта - мен 17 да, у 18 ёшда эдик. Шунчаки танишув, дўстлик, хурмат бора-бора меҳрга, телефондаги беғубор суҳбатлар, дўстона учрашувлар, ишонч, ўртадаги чексиз меҳр биз билмаган ҳолда муҳаббатга айланди.

Қиш фасли эди. Мен унга бу муносабатларни йиғиштиришни айтганимда, у мени севи-

унга бермасам хафа бўлишини айтди. Аллоҳим нега яна мени қийнайсан, эндигина бўлажак кувёга илган қалбим яна музлади. Уйдагиларга эса ҳеч нарса демадим. Биз у билан қўп учрашдик, сўнгги учрашувлар!..

Аллоҳнинг хоҳиши билан фотиҳа кунни қувё тарафни бир хатоси учун адам тўйни йўқ қилдилар. Бу менинг энг бахтли куним эди.

Энди мен яна боши очик инсон-

ОРЗУИМДАГИ ЯГОНА БЕГИМ

шини, менга бўлган туйғуси соф эканлигини айтди.

Нега мен у билан бу муносабатларни йиғиштиришни сўрагандим? Чунки мен кўрқардим, уни севиб қолишдан кўрқардим. Афсус, мен кеч қолгандим, уни севиб қолгандим. Буни ҳатто ўзим ҳам билмасдим, ундан бу сўзларни эшитиб, юракдаги чўғ аланга олдию, муҳаббатнинг еттинчи осмонига учдим. У бу сўзларни шунчалки доддираб айтганди-ки, ҳали ҳам кулоқларим остида ҳозиргидек янграб кетади. Мен учун бахтли кунлар бошланди, деб ўйлагандим. Юрагимдаги қувончни тил билан ифода этиб бўлмасди. Ёш бўлганимиз сабабли биз кўп гап талашар ва тезда кечирим сўраб яна ярашиб олардик. Бир йилча ўтгач, у мендан ўзини олиб қоча бошлади. Мен бўлсам сабабини тушунмасдим. Кейин билсам, унинг онаси ўзи хоҳлаган хонадондан келин олмоқчи эканини айтган экан. Биламан, ойисининг жаҳли ҳам, юраги ҳам ёмон. Шунинг учун барибир ҳеч нарса қўлидан келмаслигини билган менинг эркатойим шу йўл билан кўнглимни қолдиришга ҳаракат қиларди. Бу орада ёз фасли бўлганлиги учунми совчилар серкатнов бўлиб қолишди. Уни у, буни бу деб ҳеч қимсага меҳр беролмадим. Телефонда гаплашаётиб булар ҳақида унга айтсам, у мендан умид қилма, деган маънода: "Бошқа севган қизим бор", - деди. Унга бўлган муҳаббатим барибир сўнмади, чунки мен унга қаттиқ ишонардим.

Қандай қилиб менга доддираб айтган сўзлари ёлгон бўлиши мумкин, қандай қилиб ўзга қизни севиб қолиши мумкин, минг чиройли бўлса ҳам. Шу саволларимга жавоб тополмай қийналиб кетдим ва унга кўнгирак қилдим. Йўқ, ҳеч нарса ўзгармади, мен бу саволларимни унга айтилладим. У менга яхши дўст бўлиб қолишимизни таклиф қилди. Мен рози бўлдим, чунки мен усиз тура олмасдим, шунчаки овозини эшитиш учун бўлса ҳам ҳамма нарсага рози эдим. Орадан ўн кун ўтгач, мен уни соғиниб телефон қилдим. Шу ўн кун ичида менинг ҳаётимда анча ўзгаришлар бўлиб ўтганди. Совчилар орқали учрашув, кейин тўй ҳам бошлаб қўйилганди. У мендан нега йўқ бўлиб кетганимни сўради. Мен бор гапни айтдим. У мени табриқлаб биринчи таклифномани

дек ўша саволлар гирдобига тушдим. Яна унга кўнгирак қилдим ва унинг бошқа қизи борлигига ишонмаслигимни айтдим. У менга безор бўлган инсондек қаттиқ гапириб, фақат уни-уни севишини, мени ҳечам севмаганлигини тушунтирди. Мен эса сўз тополмай гўшакни жоёйига қўйдим. Лекин барибир ишонолмадим. Бизни уйда телефон йўқ. Баъзан у-бу иш билан телефон қилсам ҳам икки оғиз сўзли суҳбат ва "салом... хайр!" Мана ўша суҳбатимизга ҳам бир ой бўлибди. Ҳозир унчалик гаплашгим, кўргим ҳам келмайди. Аммо беғубор, абадий муҳаббат ва ўша саволлар тинчлик бермапти.

Мен энди ўша юрагимга дард солган йигитга қарата дил изхоримни айтмоқчиман.

Эсингиздами, "Мени фалончи ака, деб қақир", - дердингиз. Мен эса: "Йўқ", - дердим. Мен сизни фалончи ака деб эмас, бутун умрга "бегим" деб қақириб орзусида эдим. Илтимос, агар менинг сўзларимни ўқийтган бўлсангиз мени қийнаман, саволларим жавобсиз қоласин.

1. Агар ота-она ризолиги учун шундай қилган бўлсангиз, мен хурсандман, ва бахтлиман, сизга чексиз бахт тилайман...

2. Агар ростдан ўзга қизни севсангиз, унда бахтли бўлинг ва шуни билингки, сизни кўр қилган инсон вақти келиб ўзи кўзингизни очиб қўяди.

Биламан, йигит кишисиз, сизга ҳам қийин, мен сизни тушунаман. Бошидан шундай савдоларни ўтказган юртдошлар, сиздан илтимос, маслаҳат беринглар. Фақат шуни билингларки, у дунёдаги энг олийжаноб ва пок инсон.

МУХЛИСА

Тошкент



О. муҳаббат

ВОЗ КЕЧИШИМ ҚИЙИН

Муножат исмли қизни жуда севар эдим. Ҳаётимни усиз тасаввур қила олмас эдим. Буни у ҳам билар эди. У қаерда бўлса ўша ерга борардим. Уни еру-қўкка, осмону фалакка ишонмас эдим, рашким ҳам ўта кучли эди. 3. исмли жияни орқали Муножат ҳам менга севишини айтди. Муножат билан бир умрга бирга бўламиз деб ахдлашиб қўйдик. Лекин унинг севгиси қалбакига ўхшайди. Негаки

сўз беради-ю устидан чиқмайди. "Кўнгирак қиламан", "Учрашувга чиқаман", - дейди-ю, чиқмайди, қочиб юради. Кейин эса "Йўқ, севмайман", деб тўраверади. Унинг жияни 3. шундай қизки, севишганларни уриштиришни ёқтиради, тухмат қилиб бўлса ҳам ёмонлайди. Унинг яна бир одати - қизларнинг севган йигитини тортиб олиб гаплашгиси келар экан. Агар йигит унинг йўригига юрмаса қизни ёмонлайди. 3. ўн беш ёшда. 3.ни мен синглим деб юрар эдим, ёмон гапирмас эдим. Лекин у менга ҳам тухмат ёғдириб, бўлар-бўлмас гаплар билан Муножат иккимизни уриштириб қўйди. Биздан бошқа севишганларни ҳам у шу йўл билан уриштириб қўйганини эшитдим.

Муножат! Сенинг ота-онангга қизингизни севаман, усиз яшай олмаман, деб айта оламан. Лекин агарда улар рози бўлишмаса, мен сенсиз қандай яшайман?

Муножат биласанми, сенинг маъноли кўзларингдан фақат бир нарсани қидирар эдим. "Сизни севаман", - деб айтишнинг жуда ҳам хоҳлар эдим.

Сен балки мен ҳақимда ташлаб кетади ёки устимдан кулади, деб ўйлашим

мумкин. Биламан, ҳаётда одам алданишдан кўрқади. Йўқ, ҳеч ҳам сен бундай ўйларга борма, ҳеч қачон ташлаб кетмайман. Чунки сенга жонимни беришга ҳам тайёрман, керак бўлса ол, лекин сендан воз кеча олмаман.

Эсингда бўлса, савол берган эдим, бахтсиз бой бўлиб яшашни хоҳлайсанми ёки бахтли ўрта ҳол бўлибми деб, ўшанда биринчисини танлаган эдинг.

Айт-чи, бойлик сенга нима қилиб берар экан. Ёки бахтни пулга сотиб олиб бўлар эканми?

Оиламизнинг аҳволини (ота-онам ажрашишдан) яхши биласан. Ким билан туришим ҳам сенга маълум. Ота-онаси қандай бўлишса, боласи ҳам шундай экан деб ўйлашим мумкин. Лекин қарасак бир кўлдан эмас, икки кўлдан чиқишини билсанг бўлган. Мана ҳозир уришиб қолганмиз. Мени ўйламасанг ҳам керак. Агар мени тушунганимда ҳамма айбни менинг бўйимга ташламай, озгина бўлса ҳам ўз бўйингга олган бўлар эдинг, агар севсанг...

Бахт қуши ҳамманинг бошига қўнавермайди. Буни унутма.

УМИД

Тошкент

сўз бердим. Лекин барибир кейинчалик кечирдим. Яна боғия-боғиядай юравердик. Орадан озгина вақт ўтганидан кейин у менга ўпишишни таклиф қилди. Мен уни жеркиб бердим. Шунда у севги бусиз ўз маъносини йўқотишини айтиб мени авради, мен бўлса ҳамма нарса ўз вақти бўлади, дер эдим.

Нима бўлди бир кун, ҳатто ўзим билмаган ҳолда ўша машҳур "биринчи бўса" ўз ишини

бўлди. Кейинчалик бўлса умуман гаплашмай қўйдик. Ҳатто у билан гаплашиб юрганимни ота-онам ҳам билди. Онам: "Агар ўшани десанг мен сени қизим демайман", - деб мени роса уришди. Бу пайтга келиб у бўлак қиз билан (турмушга чиқиб ажрашган) гаплашиб, "севишиб" юрган эди.

Бу воқеаларни ёзиш менга жуда оғир. У мени алдаб юрганини била туриб айтмаган ошнасини ҳам жуда ёмон

ИШОНЧИМИ ТОПТАДИ

тил топишиб кетдик. Ҳар кунни қўришар, ширин сўзларини тинглаб еттинчи осмонда парвоз қилиб юрардим.

Кунларнинг бирида ҳар доимгидек гаплашиб турганимизда у менга янада яқинлашганини сезиб ўзини олиб қочдим, у эса яна яқинлашди. Мен унга: "Узоқроқ туринг, менга бу қилингиз ёқмайди", - дедим.

Шунда у: "Нима қипти, битта ўпаман, холос", - деди. Устимдан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Ундан шу тобда шундай нафратланиб кетдимки, ҳатто: "Ҳазиллашдим, кечир", деганига қарамай уйга қириб кетдим-да, қайтиб бир оғиз ҳам гаплашмасликка ўзимга ўзим

оқилона бажарди, яъни биз ўпишдик.

Мени ўшандаги ҳолатимни умуман тасаввур қилиш қийин эди. Мен ўзимни топталгандек ҳис қилардим. Кейинчалик у бошқа нарсаларни ҳам талаб қила бошлади. Мен ўша гапларни деб у билан кўп уришар эдим. У бўлса: "Барибир ўйламангиз сenga, нима бўлади, барибир меники бўласан-ку", - деб мени ишонтирар эди-ю, лекин ўпичдан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Ундан шу тобда шундай нафратланиб кетдимки, ҳатто: "Ҳазиллашдим, кечир", деганига қарамай уйга қириб кетдим-да, қайтиб бир оғиз ҳам гаплашмасликка ўзимга ўзим

кўриб қолдим. Шу-шу, йигитларга ва севги деган туйғуга ишончим қолади.

Маслаҳат беринглар. Севги фақат ўпишиб ёки шунга ўхшаш алоқалар билан баҳоланмади. Ёки мен енгиллик қилдимми? Хайрият, яна ҳам уни гапларига қирмаганлигим, бўлмаса номусимни ҳам топтаб ташлаган бўлармиди. Ана шундай воқеалардан кейин умуман бу дунёда йигитлар ҳам чин дилдан севишадими ёки ҳаммаси ҳам кўнгил ҳушлик учун "севиб" юришадими, деган савол мени қийнай бошлади.

З. Д.

Андижон вилояти, Балиқчи тумани

«Оила ва жамият» газетаси тахририяти «Гулхан» журнали бош муҳаррири, шоир Сафар БАРНОЕВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изхор этади.

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахрират нукта назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20

Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35

Котибият, хатлар: 34-25-46

Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 20.35

Босишга топширилди: 20.00

Газета тахрират компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176 ташиқлотлар учун 177}

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўyxатга олинган.

Буюртма Г - 2026

Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.

Баҳоси эркин нархда.

Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ.

Навбатчи — М. СОДИҚОВ.